

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**451** Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1622-2*

*(2010 йил 11 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ–213-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 43-44-сон, 328-модда) 2-банди қоидалари татбиқ этиладиган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 2006 йил 12 сентябрдаги 80 ва 211-сонли қарори (2006 йил 14 сентябрь, рўйхат рақами 1622) билан тасдиқланган Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 5 ноябрь,  
95-сон

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири****Б. ХОДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 5 ноябрь,  
425-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлигининг 2010 йил 5 ноябрдаги  
95, 425-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати  
томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари  
сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-  
контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган  
талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш қоидаларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Моддий қўллаб-қувватлаш 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб «Камолот» ҳаракати томонидан ушбу Қоидаларнинг 1-бандида кўрсатилган талабаларга тўлов-контракт бўйича ўқишга қабул қилиш бўйича тузилган шартнома миқдорининг 35 фоизини тўлаш шаклида кўрсатилади. Бунда талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш улар томонидан шартномада белгиланган тўлов миқдорининг 65 фоизини белгиланган муддатларда тўлаган тақдирда амалга оширилади.»

2. 2-параграф кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 3-параграф номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«3-§. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-  
контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган  
талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги  
масалани кўриб чиқиш тартиби».**

4. 6-бандда:

«15 сентябрдан» сўзи «1 февралдан» сўзи билан алмаштирилсин;  
«иккинчи ва кейинги босқичларнинг» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. 7-бандда:

«1 октябрдан» сўзи «20 февралдан» сўзи билан алмаштирилсин;  
«иккинчи ва кейинги босқичларда ўқишни давом эттираётган» сўзлари  
чиқариб ташлансин.

6. 8-банднинг биринчи хатбошида «10 октябрдан» сўзи «1 мартдан» сўзи  
билан алмаштирилсин.

7. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Агар талаба ушбу Қоидаларнинг 12-бандида баён этилган талабларни қўпол равишда бузаётган бўлса, «Камолот» ҳаракати бошланғич ташкилотининг Кенгаши илгари қабул этилган қарорни қайта кўриб чиқиши ва келажакда моддий қўллаб-қувватлашни ўқишнинг кейинги босқичларида тўхтатиш тўғрисида «Камолот» ЁИХ МКга тавсиянома киритиши мумкин.».

8. 12-банднинг «в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) талабанинг ўтган ўқув семестридаги рейтинг назорати яқунлари бўйича ўзлаштириши (71 фоиздан юқори);».

9. 13-банднинг биринчи кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқиётган талабаларнинг рўйхати. Рўйхат ректор томонидан имзоланган ва олий таълим муассасасининг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак;».

10. 14-банднинг биринчи хатбошида «20 октябрдан» сўзи «15 мартдан» сўзи билан алмаштирилсин.

11. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан келишилган.

*Ўзбекистон «Камолот»  
ёшлар ижтимоий ҳаракати  
Марказий Кенгаши раиси*

*Б. ҒАНИЕВ*

*2010 йил 5 ноябрь*